

РАНГЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедова Гўзал Юсуфовна

Қарши давлат университети, “Лингвистика” кафедраси ўқитувчиси (Ўзбекистон)

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Рангларни.

Резюме

Мазкур мақола ранг номлари ва уларнинг ўқув луғатларида ёритилиши, ранг номларининг таҳлиллари, инглиз тили ранг ходисаларини ўзбек тилига ўгириш таржимашунослигидаги ранглар одамларни ўраб турган оламнинг муҳим қисми, унга ўзгачалик бахш этадиган хусусият эканлиги, қўшиқлар, эртақлар, туйғуларни рангларга боғланиши ҳақида.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Ўзбекистонда жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндалари асарларини ўзбек тилига бевосита таржима қилиш анъанаси қайта тикланди ва жадаллашди. Халқлар ўртасидаги маданий муносабатларда тил ва таржималарнинг коммуникатив роли эътироф этилди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда “*чет тиллар ... каби талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиши*” муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув мамлакатлар ўртасидаги интеграцион омилларни кучайтирди, шу тариқа цивилизациялар тарихида ноёб ёдгорликка айланган ёзма адабий манбаларни хорижий тилларга ўгириш зарурати юзага чиқди.

Ранглар хусусида филология йўналиши бўйича жуда кўп илмий ишлар олиб борилган. Рус ва Европа олимларидан С.С.Алексеев, Р.Ганж, И.В.Гёте, А.Кононов, Л.Н.Миронова, О.Т.Молчанова, М.Саидов, С.М.Соловьев, Дж.С.Тримингэм, Ш.М.Шукуров ва бошқалар ўз изланишларида рангларнинг турли хусусиятларини ўрганганлар. М.Содиқов, Б.Бафоев, С.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Ё.Исоқов, С.Жуматованинг ишларида ҳам рангларнинг тури, ранг билан боғлиқ рамзий образлар, ранг символикаси каби масалалар ҳам таҳлил ва талқин этилган.

Ўзбек халқ маросимлари ва фольклорида ҳам оқ, қизил, қора рангларнинг умуминсоний рамзий маъноларга эга эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, ранг билан боғлиқ сифатлашлар ҳақида сўз борар экан, бу ўринда оқ рангнинг тарихига, фольклор намуналарида қўлланилган таърифларни ҳам кўриб чиқишни лозим топдик. Оқ ранг туркийларда куч-қудрат, адолат ва асликни билдирган. Ҳозиргача халқ тилида, жумладан, дostonлар тилида ҳам сақланиб қолган “*оқ суюк*” иборасининг “асл”, “улуғ насаблик” маъноларда қўлланилиши кузатилади.

Туркларнинг маданий ҳаётида ўзининг бебаҳо ўрнига эга бўлган тилак, олқиш ва дуоларда ранглар алоҳида ўринга эга. Шу билан бирга ранглар рамзий маънода шакл ва туб мазмунга эга эканлигини унутмаслик керак. Уларни айтган вақтимизда ранглар поэтик маъноси билан луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратамиз. Дуолар ва тилакларнинг услубий тузилиш жиҳати ҳам эътибордан четда қолмайди. Шу билан бирга, инсон эшитганда қулоққа ёқадиган

илик сўзлар, ҳамда унингянада гўзал бўлиб эшитилиши учун қўлланиладиган турли тасвирловчи воситалари билан айтиладиган тилакларнинг ранг-баранглиги инсонни руҳлантиради. Дуога қўл кўтарган тилак билдираётган инсоннинг сўз қўллаш санъати тингловчи учун завқ бағишлаши билан бирга, қилинган дуо ва айтилган тилакни ижобат бўлишига албатта ишонади. Яхшилик, ёмонлик, эзгулик, ғам ташвишли вазиятлар сўз билан тарифланаётганда ранг орқали уни лўнда қилиб ёки нозиклик билан тушунтириш мумкин. Ранглар турк фольклорида ижобий ҳамда салбий ҳолатларни ифодалаганини кўп учратишимиз мумкин. Биргина қора ранг ифодалайдиган вазиятларни кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин. Туркий халқлар тарихининг шоманлик даврида оқ ранг улуғлик, адолат, кучлилик маъноларида кенг қўлланилгани ҳақида маълумотлар учрайди. О.Т.Молчановнинг ёзишича, олтойликларда оқ ранг тўғрилиқ, улуғворлик, шу билан бирга, улуғ тангрининг яратувчанлик ва яхшилик кучларини йиғувчиси сифатларини ҳам билдирган. Жанубий Сибирдаги туркий халқларда оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди. Туркий халқлар фольклор намуналарида оқ ранг йигит, эр киши маъноларида қўлланилган. Оқ рангнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳам бир қанча вазиятларда ижобий ранг сифатида келганлигини кўришимиз ва учратишимиз мумкин. Оқ ранг бу эзгулик, поклик, ғалаба, шон шуҳратни ифодалайди. Фольклор асарларида “ранглар оппозицияси кўп учрайдиган ҳодиса” бўлганлиги учун алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Ҳаётимизни ранглар ўраб турибди. Атрофимизни, бутун оламни рангларда кўраемиз. Кўк осмонга, яшил ўтлоққа, кизил, сарик, оқ, қора машиналарга шу қадар ўрганиб қолганмизки, ранг аслида оптик диапазондаги электромагнит нурларининг субъектив талқини эканини унутиб кўямиз. Ранг — бу кўзимиз илғайдиган ёруғлик тўлқинлари, уни узун-қисқалигига қараб ҳар хил кўраемиз.

Ранг фақатгина физик ҳодиса эмас. У инсоният маданий капиталининг ажралмас қисми ҳамдир. Ранглар одамларни ўраб турган оламнинг муҳим қисми, унга ўзгачалиқ бахш этадиган хусусиятдир. Шу боис одамлар кўп нарсалар, буюмлар, жойлар, шахсларни ранглар билан уйғунликда тасаввур қилади; қоп-қора осмонни ёки бинафшаранг сувни тасаввур қилолмайсиз. Одамлар буюмларни ва жойларнигина эмас, маънавий тушунчаларни ҳам рангларга боғлайди. Қўшиқлар, эртақлар, туйғуларни рангларга боғлайди. Оқ ранг поклик, қора ранг ёвузлик, тундлик, яшил янги бошланмалар, ёшлиқ каби ассоциацияларга эга. Демак, ранг айна пайтда маданий концепт ҳамдир; у инсониятнинг маданиятини маълум даражада акс эттиради, турли маданий тушунчалар билан, ҳис-туйғу ва қарашлар билан боғланади.

Турли халқларда ранглар ҳар хил таркибга ва маънога эга. Ҳар бир халқ рангларни англашнинг ўз йўлини босиб ўтган. Бу ҳолат кўп омилларга боғлиқ. Халқлар турли географик муҳитда яшайди, кундалиқ ҳаётида турли рангларга тўқнаш келади. Бундан ташқари, улар ҳар хил сиёсий-тарихий йўлни босиб ўтади. Бу омиллар халқларнинг маданиятида ҳам акс этади — атроф-муҳитга қараб, тарихий жараёнларга қараб маданий мерос вужудга келади. Ўзига хос маданият шакллантирган халқнинг ранг ҳақидаги тушунчалари ҳам география, ўтмиш ва маданият билан боғлиқ равишда ўзига хос бўлади.

Ранглар майдони концептуаллашининг ўзига хослиги ранглар концептларини ўрганишга доир тадқиқотларда анъанавий маданият билан бирга кўрсатилган. Асосий ранг номларини билдирувчи сифатларнинг аксарияти, чоғиштиринаётган уч тилда типологик жиҳатдан ҳам ифода, ҳам мазмунан мос келади, яъни улар тўла эквивалент ҳисобланади. Фақат инглиз тилидаги *brown* сўзининг ўзбек ва рус тилларидаги: *жигарранг* – *коричневый* структур жиҳатдан яшашадир. Шунингдек, инглиз тилидаги *blue* ранг эквивалентининг семантик тузилишида фарқ мавжуд: ўзбек тилидаги *зангор* варус тилидаги *голубой*. Улар тузилишига кўра ясама ва *кўк ранг* маъносини беради, лекин асосий ранг ҳисобланади. Рус ва ўзбек тилларида *мовий* ва *кўк ранг* алоҳида асосий ранг ҳисобланса-да, инглиз тилида *blue* иккала ранг маъносини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Ўзбек тилидаги *кўк* сифатининг ўзига хослиги – унинг кўп маънолилиги

бўлиб, ҳам қўқ ҳам *яшил* маъносини англатади.

Турли тиллардаги рангларни таққослаш инглиз, ўзбек, рус маданиятининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Ушбу тилларнинг ранг коннотацияси баъзан мос келади, баъзида эса фарқ қилади. Масалан: «*красный*»– «*қизил*» русча «*красна* девица» сўз бирикмасида ва ўзбекча сўз бирикмасида «*қизил юз*» (*красное лицо*) «*чиройли қиз*» маъносини англатади, бироқ инглиз тилидаги «*red in the face*» сўз бирикмаси «*уялмоқ, хижолат бўлмоқ*» маъносини ифодалайди. Рус тилида «*очи белые*»– бу ёрқин кўзлар, бироқ ўзбек тилида «*оқ кўз*» (сўзма-сўз оқ кўзлар) салбий маънодаги касал ёки сеҳрли кўзларни англатади. Инглиз тилида бундай сўз бирикмаси мавжуд эмас. Инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранглар қатнашган сўз бирикмаларида миллий менталитетнинг акс эттирилишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: инглиз тилида «*black*» – ёмон *black market* (*қора иш, ноқонуний иш, чёрное дело*), *blackmailing someone* (*товламачилик билан пул олиш, шантажировать*), *black as ink* (*ўта қора, чёрный как смоль*), *black as devil* (*шайтон каби қора, қалби қора, тёмная душа*), *a black day* (*қора кун, чёрный день*), *a black spot* (*қора доғ, тёмное пятно*). Ўзбек тилида “*қора*” - «ёмон» (*кўнгли қора, қора мушук кесиб ўтди*), *ноқонуний* (*қора иш*), *қора кун* (*қора нон ейиш*), қуйи қатлам (*қорасуяк, қора халқ*). Рус тилида «*чёрный*» – «ёмон»– *қора кўнгли* (*черная душа*), *қора мушук ўтди* (*черная кошка перебегаёт дорогу*), *қора иш* (*чёрное дело*); *тяжёлый* – *қора кун* (*чёрный день*), *ночор яшамоқ* (*сидеть на чёрном хлебе*); *низкий слой* - *қора суяк* (*черная кость*), *қора халқ* (*чёрный народ*). Кўриб турганимиздек, ўзбек ва рус тилларида қора ранг аксарият маъноларида мос келади, бироқ инглиз тилида айрим маънолар мос келмайди.

Шундай қилиб, ранг ифодаловчи лексикасининг қиёсий-чоғиштирма тадқиқи нафақат лингвистик омилларни, балки ранг аниқлашчи лексиканинг ролини ҳам белгилайди. Буларнинг барчаси: миллий психология ва онг хусусиятлари, халқларнинг урф-одатлари, маданий анъаналар, турмуш тарзи, шунингдек, турли ҳолатлар, объектив ҳақиқат фактлари каби бир қатор экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Турли тилларнинг лексик ва фразеологик бирликларида асосий ранг номларидаги муштараклик ушбу ранглар олами аниқлашнинг асосий манбаси ва мулоқот қилишнинг муҳим омили эканлиги билан боғлиқ. Агар биз бир-биримизни тушунишни истасак, бунинг учун бизга *қора, оқ, қизил, сариқ, яшил, қўқ* сўзлари онгимиз учун асосий ранг номлари сифатида етарли бўлади. Аниқланган натижалар инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги асосий ранг номларини чоғиштиришни янада такомиллаштиради. Бу ҳолат ушбу лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг турли халқларга оид рангли манзараларида ролини кўрсатишга имкон беради.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722) – сон.
2. Мирзиёев Ш.М. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент, 2017. – Б. 39.
3. Базарбаева А. М. инглиз, ўзбек ва рус тилларида ранг ифодаланишининг когнитив-семантик тузилиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2019;
4. Белобородова И.В. Концепт «цвет» в лингвокогнитивном аспекте (на материале автобиографической прозы): Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Таганрог, 2000. – 26 с.7.

5. Жуманазарова Г.У. “Фозил Йўлдош ўғли Достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлили)” филология фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси. Тошент.- 2017 й. 161.б.
6. Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтикаси Филология Фанлари Докторлик диссертацияси .-Тошкент.2005.-Б.203
7. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/4547.htm>